

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.San.54.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

БОЛТАЕВ РУСТАМ КУРБОНБОЕВИЧ

**ХОРАЗМ “ТАНБУР ЧИЗҒИЛАРИ”НИНГ
ИЛМИЙ ВА АМАЛИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ**

17.00.02 – Муסיқа санъати

**САНЪАТШУНОСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

**Санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по искусствоведению
Content of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)
on art history**

Болтаев Рустам Курбонбоевич Хоразм “Танбур чизиғи”нинг илмий ва амалий тамойиллари.....	3
Болтаев Рустам Курбонбоевич Научные и практические принципы Хорезмской Танбурной нотации.....	23
Boltaev Rustam Kurbonboevich Scientifik and practical inclination mastering of Khoresm tanbur notation.....	45
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	49

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.San.54.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

БОЛТАЕВ РУСТАМ КУРБОНБОЕВИЧ

**ХОРАЗМ “ТАНБУР ЧИЗГИЛАРИ”НИНГ
ИЛМИЙ ВА АМАЛИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ**

17.00.02 – Мусиқа санъати

**САНЪАТШУНОСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/San107 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат консерваториясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.konservatoriya.uz. манзилига ва “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида www.ziyounet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдуллаев Рустамбек Самигович
санъатшунослик фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шодмонов Нафас Намозович
филология фанлари доктори, профессор

Эргашева Чинора Эргаш қизи
санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Етакчи ташкилот:

ЎЗР ФА Санъатшунослик институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.San.54.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил “___” _____ кунини соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Олмазор кўчаси, 1-уй. Тел.: (99871) 239-46-53; факс: (99871) 244-53-20; E-pochta: info@konservatoriya.uz.

Диссертация билан Ўзбекистон давлат консерваториясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100027, Тошкент, Шайхонтоҳур тумани, Олмазор кўчаси, 1-уй. Тел.: (99871) 239-46-53.

Диссертация автореферати 2021 йил “___” _____ кунини тарқатилди.

(2021 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Т.Б.Ғофурбеков

Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси,
санъатшунослик фанлари доктори, профессор

Б.Ш.Ашуров

Илмий даража берувчи илмий кенгаш котиби,
санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

А.Н.Азимова

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
санъатшунослик фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон муסיқашунослигида Шарқ муסיқаси алоҳида ўрин эгаллайди. Унда ўзбек халқининг қадимий, бой миллий-маданий қадриятлари, урф-одатлари жаҳон маданиятига кўшган улкан ҳиссаси билан ажралиб туради. Умумбашарий анъаналар ва маданиятлар ривожидида ўзбек халқи томонидан яратилган муסיқий меросни бутун дунё тан олишининг ўзи ҳам халқимизнинг узок ўтмиш тарихи, бугунига берилган муносиб баҳодир.

Дунё муסיқашуносларининг жонли меросимиз, устоз санъаткорларнинг билим ва тажрибаларига мурожаат қилиши, ноёб ҳамда ишончли маълумотларни тўплаш, мақом санъатига доир тарихий манбалар, мақом мактаби вакиллари бевосита ижро этган намуналар ва эътибордан четда қолган ёзувлар, алалхусус, “Танбур чизғилари” матнларининг ўқилиши, кундаликлар, фотосуратлар, таниқли ҳофизлар қўллаган шеърӣ дафтарларнинг топилиши мақомларимиз ҳақидаги маълумотлар доирасини кенгайтириб юборди.

Мамлакатимиз мақом санъатининг маҳаллий услублари, қадриятлари аста-секин қайта тикланмоқда. “Икки аср муқаддам бу ўлкада “Хоразм танбур чизиғи” деб номланган нота тизими яратилгани айниқса эътиборга моликдир. Хоразм мақомларини янада чуқур ўрганиш ва тарғиб қилиш, уларни келгуси авлодларга безавол етказиш, катта билим ва фидойиликни талаб қиладиган бу соҳага ёш санъатшуносларни жалб этиш, бунинг учун ташкилий, моддий ва маънавий томондан тегишли шароитларни яратиб бериш бўйича ҳали кўп иш қилишимиз зарур”¹. Демак, мақом санъатининг тарихий жараёнларини тадқиқ қилиш, маҳаллий услубларни ўрганиш, парда ва усул хусусиятлари, янги шаклларнинг тадрижий кўриниши бўйича изланишлар олиб бориш ёш авлодда миллий муסיқага қизиқиш уйғотишда миллий қадриятларнинг аҳамиятини ёритиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги ПҚ-3391-сон “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 26 августдаги ПҚ-3920-сон “Ўзбекистон Республикаси маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

¹ Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. –Т.: Ўзбекистон, 2017. –Б. 245-246.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Муסיқа илмида Хоразм “Танбур чизғилари” алоҳида объект сифатида ўрганилмаган бўлса-да, Хоразм “Танбур чизғилари”даги айрим куй ва ашулаларни замонавий нотага ўгиришга бўлган уринишларни эътироф этиш жоиздир.

Хоразм маърифатчилари Мулла Бекжон Раҳмон ўғли (вафоти 1938 йил) ҳамда Муҳаммад Юсуф Девонзоданинг (1889-1952) 1925 йилда Москвада эски ўзбек тили, араб имлосида чоп қилинган “Хоразм муסיкий тарихчаси”, 1927 йилда эса Абдурауф Фитратнинг (1886-1938) “Ўзбек классик муסיқаси ва унинг тарихи” асарлари Хоразм муסיқаси ва мақомларига оид бирламчи маълумотлари билан қимматлидир².

В.Успенский (1879-1949) Хоразм “Танбур чизғилари”га мақом манбаи сифатида илк бор мурожаат қилган олимлардан биридир. У Шашмақомни бевосита эшитиб, тўғридан-тўғри нотага ола бошлайди. Дугоҳ мақомининг Сақили Ашкулло қисмини устозлар ҳеч эслай олмайдилар. Шунда Ота Ғиёс қўлидаги “Танбур чизғилари”га қараб, Сақили Ашкуллони чалиб берганда барча ҳайратга тушади.

Бухорода Шашмақомни нотага олиш ишларига нозирлик қилаётган таниқли олим Абдурауф Фитрат Ота Ғиёс қўлидаги қўлёманинг тартиб ва хусусиятларини В.Успенскийга тушунтириб беради. В.Успенский Фитратдан олган маълумотларни қўлёмма билан солиштириб, В.Беляевга бу ҳақда мактублар йўллайди. Ўз навбатида В.Беляев мавжуд маълумотларни муסיкий шарқшунослик борасида қалам тебратиб юрган ҳамкасби – Оксфордлик олим Генри Джордж Фармер (1882-1965) тавсияси билан “The Sackbut” журналида “Хоразм нотаси” (“Khorezmian notation”) мақоласини эълон қилади³.

Кейинчалик В.Успенский Хоразм олти ярим мақомларининг яқин тарихи ва амалдаги илмий асосларини ўрганиш, аслида, бу йўлдаги таянч манба эканлигини эътироф этади. “Танбур чизғилари”да битилган Бузрук мақомининг Муҳаммаси Ферузшоҳий куйини ўқиб олишга ва европача нотага табдил қилишга муяссар бўлади. Ана шу ишдан бир кичик лавҳани ўз мақоласида намуна сифатида келтиради⁴.

Е.Романовская (1890-1945) ва И.Акбаров (1909-2002)лар Хоразмда атоқли мақом устози Матёкуб Харрот (1867-1939) талқинида Хоразм олти ярим мақомларининг танбур ижро вариантини фонограф валикларига ёзиб оладилар. Кейинчалик ана шу овоз ёзувларини Елена Романовская ноталаштиради ва “Хоразм классик муסיқаси” номи билан нашрга тайёрлайди⁵. М.Юсупов ва И.Акбаров Хоразм мақомлари VI томида Хоразм танбур чизиғи ҳақида қимматли фикрларини берганлар. “Хоразм Танбур чизиғи” – танбурдаги ўн саккиз пардани кўзда тутиб чизилган ёндош чизиклардан иборат. Чизикларнинг устига қўйилган ҳар бир нуқта зарбнинг юқоридан қуйига чертилишини кўрсатса, чизикнинг остига қўйилган нуқта, аксинча, зарбни қуйидан юқорига чертилишини кўрсатади. “Танбур чизиғи” ўнгдан сўлга ўқилади. Ҳар бир зарб, яъни нуқта бир бутун нотанинг

² Мулла Бекжон Раҳмон ўғли, Муҳаммад Юсуф Девонзода. Хоразм муסיкий тарихчаси. –Т., 1998. –Б. 48; Фитрат. Ўзбек классик муסיқаси ва унинг тарихи. – Т.: Ўзбекистон Давлат нашриёти, 1927.–Б. 70.

³ Belyaev V. Khorezmian notation // The sackbut. 1924. №1.

⁴ Успенский В.А. Классическая музыка узбеков. – Т., 1927.

⁵ Романовская Е.Е. Хорезмская классическая музыка. – Т., 1939.

саккиздан бир хиссасига тенг ва бир неча нусхалари асосида куйларни замонавий нотага ўгиришга ҳаракат қилганлар⁶.

Исҳоқ Ражабовнинг (1927-1982) “Мақомлар масаласига доир” китобида “Шашмақом мажмуаси ... Ўн икки мақом тизимининг табиий ривожи ўларок шаклланганлиги ҳамда унинг парда-тузук, куй-оханг, зарб-усул, авж-намуд ва бошқа шаклий тузилиш қонуниятлари айнан ана шу яхлит тизимнинг таркибий қисмлари эканлиги узил-кесил равишда ўз ечимига келган. Шунингдек, тадқиқотда мақомот тизимининг ўзга шакллари бўлган Хоразм мақомлари ва Фарғона-Тошкент йўлларига оид қимматли фикр-мулоҳазалар билдирилиб, уларнинг Шашмақом билан ўзаро боғланиш муносабатлари хусусида ҳам малакали кўрсатмалар баён этилган”⁷.

И.Ражабовнинг 2006 йилда чоп қилинган “Мақомлар” китобида “Мақомлар масаласига доир” монографиясидан ўрин олмаган янги маълумотлар мавжуд. Ўрта аср олимларининг мусиқага доир рисолалари тавсифига кенг ўрин берилиб, мақомот тизимида қўлланиб келинаётган намуд жадвали тўлиқ келтирилади. И.Ражабовнинг ушбу асари тадқиқотимизда асосий манбалардан бири бўлиб хизмат қилди.

Таниқли мусиқашунос О.Иброҳимов томонидан 2006 йилда чоп қилинган “Ферғано-Ташкентские макомы” монографиясида Фарғона-Тошкент мақомлари ҳақида тўлиқ ва батафсил маълумотлар берилган. Бу асардан тадқиқот ишимиздаги Хоразм, Бухоро, Фарғона-Тошкент мақомларини таҳлил қилишда нуфузли манба сифатида фойдаландик.

Академик Ю.Ражабий ўзининг 1966-1977 йилларда нашр этилган олти томлик Шашмақом тўпламидаги жузъий камчиликларни бартараф қилиш мақсадида “Мусиқа меросимизга бир назар” китобида қайтадан тўлдириб, тузатилган вариантыни тайёрлади.

Хоразм мақомларига доир номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган О.Матякубов кейинчалик “Оғзаки анъанадаги профессионал мусиқа асосларига кириш” ва “Мақомот” китобларида мақомлар тарихи, унинг илмий назарий ва ижрочилик масалаларига алоҳида тўхталиб ўтган⁸. Бундан ташқари, унинг бир қанча илмий мақолалари Хоразм мақомларининг парда ва усул масалаларига бағишланган⁹. “Хоразм дутор мақомлари ва олти ярим мақоми” китобида Хоразм танбур чизғилари нусхалари асосида замонавий нота ва овоз ёзувларини устоз билан биргаликда ишлаган¹⁰.

Юқорида номлари зикр этилган тадқиқотчилар Хоразм “Танбур чизғилари”нинг юзага келишида муҳим ўрин эгаллаган Муҳаммад Раҳимхон соний (1864-1910), Худойберган Муҳркан (1822-1920), Муҳаммад Ёқуб

⁶ Акбаров И. Хоразм мақомлари // Ўзбек халқ музикаси. VI том. – Т., 1958. –Б. 517.

⁷ Ражабов И. Мақомлар / Нашрга тайёрл. ва махсус муҳаррир: О. Иброҳимов. –Тошкент: “SAN’AT” нашриёти, 2006. – Б. 5-6.; яна қаранг: Ражабов И. Мақомлар масаласига доир. –Т., 1963.; Ўша муаллиф. Мақом асослари. – Т., 1992. Шунингдек, ушбу муаллиф ёзган диссертация. Қаранг: Ражабов И. Макомы. Автореф. докт. дисс. – Ташкент-Ереван: 1970.

⁸ Матякубов О. Хорезмские макомы. Автореферат дисс. на соиск. уч. степени канд. искус. – Ташкент-Ленинград: 1977. – С. 23; О.Матякубов Оғзаки анъанадаги профессионал мусиқа асосларига кириш. –Т., 1983. –Б. 26-27.; Ўша муаллиф. Мақомот. – Т.: Мусиқа, 2004. –Б. 64-86.

⁹ Matyqubov O. Khorezmian tanbur notation. UNESCO. 1993.

¹⁰ Матякубов О. Хоразм дутор мақомлари ва олти ярим мақоми. Т., 2018. Нота иловаси Р.Болтаев томонидан тайёрланган.

Харрот Девон (1867-1939), Муҳаммад Расул Мирзабоши (1840-1922), Комил Девоний (1885-1938) каби мусиқашунос ва созандаю хонандаларнинг ўрнини Шўро тузуми сиёсати туфайли кўрсатиб бера олмаганлар. Хоразм “Танбур чизғилари”ни Комил Хоразмий (1825-1899)га боғлаб кўрсатиш билан чекланиб қолганлар. Аслида эса, миллий мафкура асосида барча ижодкорлар ва мусиқашунослар меҳнатига холисона баҳо берилиши керак. Шашмақомнинг мусиқий нав сифатида шаклланиш тарихи, унинг илмий асослари билан боғлиқ таянч манбалар – мусиқий рисола, баёз ва танбур табулатураси ҳақида Шўро даврида расм бўлган юзаки қарашларни бартараф этишга ҳаракат қилинмаган.

А.Атажонов ва О.Бобоназаров Хоразм “Танбур чизғилари”ни замонавий нотага ўгириш ва ижро этишга уринишган¹¹. Бироқ улар Хоразм мақомларидан Рост ва Бузрукнинг баъзи қисмларинигина нотага олиб, танбур пардасини бир тон баланд созлаб, амалиётда қўллашга ҳаракат қилгани оқибатида, оҳанг тузилишидаги бузилишларни кузатамиз.

М.Юсупов Хоразм мақомларини тўплаб, 3 жилдда нашр этган¹². Лекин улардаги куйлар Хоразм “Танбур чизғилари”га асосланмаган, балки мақомлар тўпланаётган вақтда оғзаки анъанада жорий бўлган куй вариантлари асос қилиб олинган. Бу пайтга келиб, оғзаки анъанадаги куйлар асл Хоразм мақомлари куйларидан анча фарқланиб, жумладан, хона ва бозгўйларнинг тушиб қолгани ёки кенгайгани, тактлар сони усулга мос эмаслиги тадқиқотимиз давомида аён бўлди.

Бундан ташқари, Хоразм мақомлари ҳақида Ф.Кароматов, С.Векслер, Л.Коваль, Р.Юнусов, О.Иброҳимов, А.Жумаев, Б.Матякубов, Ҳабиб Тума, Т.Левин, Ш.Айходжаева, Б.Ашуров каби мақом тадқиқотчилари ҳам асарлари ва илмий мақолаларида Хоразм мақомлари ва “Танбур чизғилари” борасида айрим фикрларни билдириб ўтишган.

Лекин шу вақтгача Хоразм “Танбур чизғилари” алоҳида объект сифатида тадқиқ этилмаган ва изчил ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон давлат консерваторияси илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Ўзбек мусиқаси тарихи назариясини ўрганиш ва ёш авлодни миллий мусиқа руҳида тарбиялаш” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Хоразм “Танбур чизғилари” таснифи ва тавсифи, “Танбур чизғилари”да битилган Хоразм Рост мақомидаги парда ва усул тизимини очиб бериш ҳамда анъанавий услубда бизгача етиб келган Рост мақомини айтим йўли ижролари билан таққослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Хоразм олти ярим мақомларининг ривожланиш жараёнларини ўрганиш, тадқиқ этиш;

Хоразм олти ярим мақомларининг парда, усул ҳамда шеърий матнларини “Танбур чизғилари” асосида таҳлил этиш;

¹¹ Комил Аваз. Олис оҳанглар. – Т., 1997.

¹² Хоразм мақомлари (1-3 китоблар) / Тўпловчи Юсупов М. – Т., 1980, 1982, 1986.

Ҳозирги мақом ижрочилик амалиётида қўлланиб келинаётган Хоразм олти ярим мақомларини анъанавий тасниф тизимида ўрганиш;

Олти ярим мақомларни “Танбур чизғилари” асосида замонавий нотага ўгириш ва ижроларини тайёрлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида XIX асрнинг сўнгги чорагида ихтиро қилинган мазкур мусиқий ёзув тизими фанда “Хоразм табулатураси”, “Танбур чизғи”, “Танбур чизғилари”, “Танбур нотаси” каби номлар билан маълум асарлар олинган. Унинг асосида Хоразм олти ярим мақомларининг мусиқий ва сўз матнлари хатга туширилган ҳамда мақом мажмуалари расмийлаштирилган.

Хоразм “Танбур чизғилари” шунчаки ёзув эмас, балки мақом китоби, улуғ устозлар ҳозирлаган дастуриламал рисоласи эканлигини таъкидлаш зарур. Мақомшуносликнинг назарий ва амалий илмлари муштараклигида яратилган манба, ўзбек мумтоз мусиқий меросини тадқиқ ва таҳлил этиш белгиланди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида Хоразм “Танбур чизғилари” ва ундаги Хоразм олти ярим мақомлари тадқиқ этилди.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация мавзусини ёритишда таснифлаш, қиёсий-тарихий ва таҳлил қилиш методлари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

“Танбур чизғи”даги Рост мақоми чертим йўлида *“Мураббаъи Комил”*, *“Мусаддаси Феруз шоҳий”*, *Наво мақомида “Сақили Феруз шоҳий”*. *Сегоҳ мақомида “Се усули Феруз шоҳий”*, *“Чор усули Феруз шоҳий”*. *Дугоҳ мақомида “Сақили Феруз шоҳий”*. *Бузрук мақомида “Мухаммаси Феруз шоҳий”*, *“Сақили Ислимхоний”*, *“Сақили Ниёзжон Хўжа”*. *Ироқ мақомида “Мухаммаси Феруз шоҳий I”*, *“Мухаммаси Феруз шоҳий II”*, *“Се усули Феруз шоҳий”* каби мусиқий шакллар бастакорлар ижодиёти билан боғлиқ чолғу куйлари асосида яратилгани далилланган;

Мақомдон устозлар томонидан таснифланган Рост мақомидаги *Мураббаъи Комил*, *Мусаддаси Феруз шоҳий*, *Се усули мақоми Панжгоҳ* дойра усулларининг ёзма манбаларда акс этиши ушбу номдаги чолғу куйларининг замонавий нота йўлига олинганлиги билан асосланган;

Хоразм “Танбур чизғилари” Олти ярим мақомлардаги усулларга оид янги маълумотлар асосида *Мураббаъи Комил*, *Мусаддас*, *Мусаббаъи Рост*, *Се усул*, *Нуфурдам* усуллари аниқланган;

Миллий мақомшуносликда янги чолғу жанрлари *Мураббаъ*, *Мусаддас*, *Мусаббаъ*. *Айтим йўлида эса Дугоҳ Хусайни мақоми Наво туркуми*, *Дугоҳ Хусайни мақоми Дугоҳ туркуми*, *Муқаддимаи Насри Ҳижоз мақоми Сегоҳ*, *Насри Ҳижоз мақоми Сегоҳ* маҳаллий услублар шаклланиши заминида “Танбур чизғилари” юзага келгани исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

Хоразм “Танбур чизғилари”нинг замонавий мусиқий тафаккур истеъмолига олиб кириш зарурияти тўла асосланди ва бу билан аждодларимиз меросининг ҳаётий моҳияти очиқ берилди;

Хоразм “Танбур чизғилари” қатъий белгиланган мажмуа сифатида кўрилади. “Танбур чизғилари”даги Хоразм олти ярим мақомлари ва Дутор

мақомларини қиёслаш, уларнинг таркибий қисмларини ўрганиш амалий изланиш мавзуларидан биридир. Ўтмишда уларнинг ижро этиладиган мақсади бошқача бўлишига қарамасдан, улар орасида ижодий муносабатлар изчил ривожланиб келган;

Хоразмда Шашмақом жорий этила бошлаганда мусиқашунос устозлар Шашмақомни ижодий ўзлаштириш билан бир қаторда кўплаб атамалар ҳам қўшганлар, илмий-назарий рисола вазифасини бажарувчи китоблар ёзганлар. Албатта, бу илмий амалий ишимизни ёритишда катта аҳамият касб этган. Нусхаларда келтирилган доира усуллари Хоразм “Танбур чизғилари” аниқ ўлчовлар асосида яратилган деган фикрни исботлайди;

мақом усуллари, пардалари ҳамда сўз матнларини тадқиқ этиш натижасида йўқолиб кетган усул намуналари куй ва ашулаларнинг қайта жонланишига сабаб бўлди;

унда илгари сурилган ғоя, фикр-мулоҳазалар, амалий таклиф ва тавсиялар, маданий-маърифий, мусиқий-педагогик ва санъат ҳамда тарих соҳасига ихтисослаштирилган ўрта махсус ва олий таълим даргоҳларида дарс бериш жараёнида бир қатор маърузавий ҳамда индивидуал ўқув курслари иш режасига бевосита киритилиши, шунингдек, Ўзбек мумтоз мусиқаси ва маданияти тарихини ёзишда илмий манба сифатида унумли фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Таҳлил этилган Хоразм “Танбур чизғилари”нинг ЎзР ФАШИ кўлёзмаси, Инв. №7406 Худойберган Муҳрон Хоразм олти ярим мақоми чолғу йўллари, Ўзбекистон давлат консерваториясида сақланаётган Хоразм “Танбур чизғилари”нинг ашула йўли Комил Девон нусхасидан келиб чиққан ҳолда хулосалар қилиш имконини берганлиги уларнинг асослилиги, олинган натижаларнинг амалиётда, таълим жараёнида фойдаланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, назарий хулосалар бугунги давр мусиқашунослигида мавжуд маълумотларни кенгайтиради ва тўлдиради, мусиқий манбашунослик, санъатшунослик соҳаларида ҳам бирламчи манбаларда мавжуд мусиқий атамалар моҳиятини теран англаш ва янгича, ўзига хос услубда тадқиқ этиш имкониятини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, UNESCO билан Япония мақсадли жамғармаси (Japan Trust Fund) ҳамкорлигидаги “Шашмақом, Марказий Осиёнинг мумтоз мусиқасини сақлаш” лойиҳаси доирасида 2010 йилда нашр этилган Хоразм “Танбур чизғилари” китоби киритилди. Бундан ташқари, Урганч Давлат университети Санъатшунослик факультети “Мусиқа таълими” кафедраси ҳамда Урганч ихтисослаштирилган санъат мактаби ўқувчилари учун мўлжалланган “Халқ ижодиёти”, “Ўзбек мусиқа тарихи”, “Анъанавий кўшиқчилик ва мақом асослари”, “Анъанавий ўзбек мусиқаси асослари”, “Ўзбек мумтоз кўшиқчилиги”, “Ўзбек мақом тарихи ва назарияси”, “Ихтисослик” каби дарсларда жорий этиш фойдалидир.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. XIX асрнинг иккинчи ярмида Хоразмда яратилган “Танбур чизғилари” бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“Танбур чизғи”даги Рост мақоми чертим йўлида *“Мураббаъи Комил”*, *“Мусаддаси Феруз шоҳий”*, *Наво мақомида “Сақили Феруз шоҳий”*. *Сегоҳ мақомида “Се усули Феруз шоҳий”*, *“Чор усули Феруз шоҳий”*. *Дугоҳ мақомида “Сақили Феруз шоҳий”*. *Бузрук мақомида “Мухаммаси Феруз шоҳий”*, *“Сақили Ислимхоний”*, *“Сақили Ниёзжон Хўжа”*. *Ироқ мақомида “Мухаммаси Феруз шоҳий I”*, *“Мухаммаси Феруз шоҳий II”*, *“Се усули Феруз шоҳий”* каби мусиқий шаклларга оид хулосалардан “Ўзбек миллий мақом санъати маркази” томонидан 2018 йил 6-10 сентябрь кунлари Шахрисабз шаҳрида бўлиб ўтган “Мақом мусиқа санъати ва унинг жаҳон цивилизациясида туган ўрни” мавзусида Халқаро илмий-амалий конференция мазмунини бойитишда фойдаланилган (“Ўзбек миллий мақом санъати маркази”нинг 2019 йил 29 майдаги 88-сон маълумотномаси). Натижада конференция иштирокчилари “Танбур чизғилари” ҳақида янги илмий маълумотларга эга бўлишларига эришилган;

Хоразм “Танбур чизғилари” Олти ярим мақом мажмуасидаги усулларга оид янги маълумотлар асосида *Мураббаъи Комил*, *Мусаддас*, *Мусаббаъи Рост*, *Се усул*, *Нуфурдам* усуллари ўзбек мумтоз мусиқаси жанрлари ва улар билан боғлиқ маълумотлар “Хоразм” вилоят телерадиокомпанияси орқали намойиш қилинган “Навозанда” ва “Сувора супаси” туркум кўрсатувлари сценарийсида фойдаланилган. (Хоразм вилоят телерадиокомпаниясининг 2020 йил 17 сентябрдаги 1235-сон маълумотномаси). Натижада томошабинлар “Хоразм Танбур чизғилари” ҳақидаги маълумотлар илмий асосланганлиги ҳақида аниқ маълумотга эга бўлиш имкони яратилган;

миллий мақомшунослигида янги чолғу жанрлари *Мураббаъ*, *Мусаддас*, *Мусаббаъ*. *Айтим йўлида эса Дугоҳ Хусайни мақоми Наво туркуми*, *Дугоҳ Хусайни мақоми Дугоҳ туркуми*, *Муқаддимаи Насри Ҳижоз мақоми Сегоҳ*, *Насри Ҳижоз мақоми Сегоҳ* маҳаллий услублар шаклланиши заминида “Танбур чизғилари” юзага келгани бўйича олинган натижалар “O‘zbekiston” радиоканали орқали эфирга узатилган “Мақом санъатимиз сайқали” туркум эшиттиришларда фойдаланилган (“O‘zbekiston” телерадиоканали давлат унитар корхонасининг 2020 йил 22 декабрдаги O‘z/R-1-37-сон маълумотномаси). Натижада радиотингловчилар “Танбур чизғилари”нинг асл моҳияти ҳамда уларнинг илмий ва амалий тамойилларига оид хулосалар амалиётга татбиқ этилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича эълон қилинган илмий ишларнинг умумий сони 16 та, жумладан, республика журналларида 2 та мақола, хорижда (Россия) 2 та, илмий-амалий конференцияларда 12 та тезислар чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 122 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот масалалари шакллантирилиб, диссертация мавзусининг ҳозирги замон санъатшунослик илм-фани тараққиётидаги долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, уларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Муסיқий манбалар ва уларнинг тавсифи”** номли биринчи бобида “Муסיқа илмига оид манбалар” ва “XVIII–XIX асрларда яратилган муסיқий рисола-баёзлар. Танбур чизғилари таснифи ва тавсифи” ҳақидаги тадқиқотлар таҳлил этилган.

Шарқ муסיқа маданиятида илк муסיқашунослик илми намояндалари сифатида Форобий (873-950), Ибн Сино (980-1037)ларнинг муסיқий қарашлари алоҳида ўрин эгаллайди. Мазкур алломаларнинг илмий асарларида икки асосий тамойил: парда ва усулга алоҳида урғу берилган.

Ал-Форобий муסיқага бағишланган рисолаларида Шарқ муסיқа назариясини асослаб берди. “Китабул-муסיқий ал-кабир” (“Муסיқага доир катта китоб”), “Киламу фил-муסיқий” (“Муסיқанинг услублари ҳақида китоб”), “Китабул-муסיқий” (“Муסיқа китоби”), “Китабун фи-ихсаъил-улум” (“Фанлар классификациясига доир китоб”), “Китабул фи-ихсаъил-икаъ” (“Муסיқа ритмлари-иқоъ классифика-цияси ҳақида китоб”) ва бошқалар¹³.

Куй матнини хатга тушириш маъносидаги нота ёзуви илк бор Сафиуддин Урмавийнинг “Рисолаи шарафия”сида келтирилади. Муסיқий истилоҳга “Уд табулатураси” номи билан кирган бу ёзув воситасида Сафиуддин Урмавий XIII асрда машҳур бўлган Хусайний мақоми – Муҳайяри Ироқ асарининг куй, усул ва сўз матнини забт этиб қолдирган (Нотация асл нусхасида қандай бўлса, шундай келтирилиб, фақат унга ҳозирги алифбода транскрипция этишга доир баъзи ўзгаришлар киритилган)¹⁴.

Мумтоз муסיқа бизгача Бухоро Шашмақоми, Хоразм мақомлари ва Фарғона-Тошкент мақом йўллари деб номланувчи жонли ижродаги навлар шаклида етиб келди. Унинг устувор хусусиятларидан бири шундаки, янги пайдо бўлган нав услублари олдингиларини инкор этмайди. Аксинча, парда, усул ва таснифот тизимлари каби ўзак тамойиллар ижодий ўзлаштирилиб, олдинги навлардаги хос сифатлар янгиларига сингиб бораётганлигини кузатиш мумкин.

¹³ Ражабов И./ Мақомлар масаласига доир – Т.: Ўзадабийнашр, 1963 –Б. 8.

¹⁴ Ражабов И. Мақомлар. (Нашрга тайёрловчи ва махсус муҳаррир О.Иброхимов) –Т., 2006. –Б. 125-126.

Мақом илмининг кейинги тараққиёти Нажмиддин Кавкабий (1470-1533) ва Дарвеш Али Чангий (в. XVII асрнинг 20-йиллари) номлари билан боғлиқ. Улар Бухорода яшаб ижод этган. Бу шаҳри азим ўз замонида Темурийлар салтанатининг йирик маданий марказлари Самарқанд ва Хиротнинг меросхўри бўлиб майдонга чиққан эди¹⁵. Дарвеш Али Чангийннинг мусиқий таълимоти, давр тақозосига кўра Кавкабийдан бошқачароқ эҳтиёжларга қаратилган. Унинг рисоласида мумтоз 17 усул мундарижаси келтирилгандан сўнг назарий тушунча (накра, зарб, бўғин, баҳр)лар қўшимча ўрнида берилади.

Кавкабийдан кейин тўрт аср давомида яратилган рисола, баёз, нота ёзувлари, Мулло Бекжон Раҳмон ўғли ва Муҳаммад Юсуф Девонзода ҳамда Абдурауф Фитрат қаламига мансуб тадқиқотларни амалдаги ижролар билан қиёслаб, ягона тизим тарзида ўрганиш тақозо қилинади.

XVIII-XIX асрда яратилган ўндан ортиқ мусиқий баёзларни, И.Ражабов, О.Матякубов, А.Жумаев, Б.Ашуров асарлари ва илмий мақолаларида атрофлича ёритиб, илмий тадқиқотлар олиб борганлар.

1264/1847 йили Бухорода номаълум мусиқашунос томонидан яратилган рисола ва баёз Дарвеш Алидан кейин юзага келган энг эътиборли манба бўлиб майдонга чиқади. У — “...фалак-сиймолар доирасидан олдилар. Қисқаси шуки, ушбу бобда 12 мақом, 24 шўъба ва 6 овоз баён этилади. Дейдиларки, аввал етти пайғамбардан қолган етти мақом бўлган, яна бири соҳибдан қолгандир”, — деган жойдан бошланади¹⁶.

Юқорида баён этилган рисола-баёз мақомот тарихида Шашмақом даври бошланиб, унинг тартибу низомлари мусиқий баёзларда ўз аксини топганлигидан дарак беради. Шашмақомга тегишли ўндан ортиқ шеърий тўпламлар мавжуд. Уларнинг энг олдингиси юқорида қайд этилган муаллифи номаълум рисола-баёз, охиригиси Ота Жалол ҳаётининг сўнгги йилларида унинг оғзидан ёзиб олинган матнларни ўз ичига олади.

XIX асрга оид еттита нусха бир бутун тизимни ташкил қилувчи манбалар бўлиб гавдаланади. № 3842 ва № 8827 рақамлари остидаги баёзларнинг ёзилган вақти кўрсатилмаган. Қолган бештаси ўттиз уч йил орасида пайдо бўлган: Рисолаи Шаш даромад № 1466 (1264/1847); № 4544 (1271/1854); Дар баёни Шашмақом № 1428 (1283/1866); Дар баёни Шашмақом № 5734 (1285/1868); № 7074 (1297/1880).

Баёзларда келтирилган матнлар таркибий қисмларнинг номлари, тартиби ва уларга оид айрим изоҳлар XIX асрда урф этилган Шашмақом низомлари, ички мантиқи ҳамда мажмуанинг ижтимоий аҳамияти ҳақида қимматли маълумотлар беради.

Рисола-баёзлар ҳақида сўз борар экан, Хоразмда, бевосита Муҳаммад Раҳимхон соний (Феруз)нинг раҳнамолигида Хоразм “Танбур чизгилари”га оид икки нуфузли ҳофиз Худойберган Маҳзум ва Муҳаммад Ёқуб Фозачи дастуридаги сўз матнларини ўз ичига олувчи шеърий тўплам яратилган¹⁷. Унга “Мақомларда айтиладиган сўзлар” деб сарлавҳа берилган. Нусха икки

¹⁵ Матякубов О., Болтаев Р., Аминов Х. Хоразм Танбур чизиги –Т., 2010. –Б. 14.

¹⁶ ЎзР ФА ШИ. Қўлёзма. Инв № 1466. – 1а варок.

¹⁷ ЎзР ФА Шарқшунослик институти. Қўлёзма. Инв. № 6977.

қисмга ажратилиб, биринчиси “Худойберган Махзумнинг ёд билган баёзи”, иккинчиси “Муҳаммад Ёқуб Фозачининг ёд билган баёзи” дея белгиланган.

Шашмақом баёзлари ўзидан олдин пайдо бўлган мусиқий рисолалар ва кейинчалик юзага келган Хоразм “Танбур чизғилари” нусхалари билан биргаликда мақомот тизимининг тадрижий ривожланиш жараёнини ўрганишда таянч манбалардан бири бўлиб хизмат қилади.

Хива ҳукмдорлари орасида энг машҳур, маданиятпарвар ва санъатсевар бўлган Муҳаммад Раҳимхон соний (Феруз) даврида Хива хонлиги маданияти ва санъати тарихи ўзгача тус олди, юксалиш сари қадам қўйди. Бу даврда Ниёзжон хўжа тартибга солиб кетган Хоразм олти ярим мақомлари янада тартибга солинди, жамланди. Ферузнинг ўзи Хоразм олти ярим мақомлари асосида 13 та йирик куй яратган. Унинг саройидаги девонда қирқдан ортик шоиру ёзувчи, тарихчи, хаттот, созандаю хонанда фаолият кўрсатди¹⁸.

Маданият ва санъат гуллаб-яшнаган Феруз даврида анча илмийроқ, амалиётга анча яқинроқ рисолалар барпо этиш зарурияти туғилди. Хоразм “Танбур чизғилари”нинг ривожланишида, Феруз ва Комил Хоразмий асосий ўрин тутган бўлсалар, “Танбур чизғилари”нинг юзага келишида иккита йирик гуруҳ – мактаб фаолият юритган.

1. Муҳаммад Расул Мирзо
Муҳаммад Юсуф Баёний
Муҳаммад Юсуф Чокар

2. Худойберган Мухркан
Исмоил Девон
Комил Девоний

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, Хоразм танбур чизғилари нусхаларини 1880 йилгача бирламчи давр, 1880 йилдан 1920 йилгача бўлган тараққиёт даври ҳамда 1920 йилдан сўнги тугалланиш даврларига бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ.

ЎзРФА Шарқшунослик институтида сақланаётган Инв №1199 рақамли нусхада 1299 х. (1881 м.) санада кўчирилганлиги олтига ўринда кўрсатиб берилиши Паҳлавон Ниёз Мирзабоши Комилнинг 1883 йили Петербургга сафар қилиб келишидан олдин китобат бўлганлигини билдиради (Баёний нусхасининг охириги варағи)

2002 йилда “Танбур чизғилари” янги нусхасининг топилиши сабабли бошқа нусхалари билан уни солиштириш, умуман, “Танбур чизғилари” нусхаларини тадқиқ қилиш мақсадида уларни қайта кўриб чиқишга тўғри келди. Шарқшунос олим Ҳ.Аминовнинг изланишлари натижасида республикамиз кутубхоналари, шахсий коллекцияларда унинг 17 та нусхаси борлиги маълум бўлди¹⁹.

Унинг турли даврларда ҳар хил савиядаги хаттотлар томонидан кўчирилиб, кейинчалик тартиб қилинганлиги Хоразм “Танбур чизғилари”нинг кўчирилиш тарихи, ривожланиш босқичлари ҳақида тасаввур пайдо қилади. Янги топилманинг аҳамиятли томони шундаки, назмий ва мусиқий матн таркибий бўлаклари батафсил, шунингдек, мақомларнинг айтим йўллари ҳамда дутор мақомлари берилган²⁰.

¹⁸ Жумахўжа Н. Феруз - маданият ва санъат ҳомийси. –Т.: Фан, 1995. –Б. 9.

¹⁹ Ҳ. Аминов. Танбур чизғи нусхалари // Шашмақом сабоқлари (маъруза ва мақолалар тўплами). –Т., 2005. –Б.119-129.

²⁰ Болтаев Р. Дутор мақомлари. –Т., 2006. –Б. 3-25.

Баёний нусхасида 136 та куй берилган. Рост мақомида “Сайри гулшан таронаси”да битта байт бор, холос. Бошқа мақомларда сўзлар умуман кўчирилмаган.

ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институтида Хоразм “Танбур чизғилари”нинг тўртта нусхаси сақланади. Худойберган Муҳркан ва Муҳаммад Расул Мирзо кўчирган нусхалардан ташқари, Чокар китобат қилган Бухоро Шашмақоми чизиғи нусхаси ҳам бор. Инв №8000 рақамида сақланаётган ушбу нусха илгари Бекжон Раҳмон ўғлининг шахсий кутубхонасида сақланган.

Нусханинг Бухоро Шашмақоми чизиғи эканлигини куйларнинг аталиши: Сараҳбор, Чапандоз, Чоргоҳ кабиларнинг берилиши ҳамда усуллар бум-бак шаклида келтирилганлигидан билиб олса бўлади. Ушбу нусханинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, унда Комил Девоний дастхатига ўхшаш дастхатда кўчирилган ва дутор мақом йўлларида 11 та куй чизиғи илова қилинган. Халқ куйлари Қўқон қоғозига, Шашмақом куйлари эса оқиш рус қоғозига битилган. Дутор мақом йўллари куйидагича:

1. Ийфорий – 28 хонадан иборат (аввалидан 7 хона тушиб қолган);
2. Ийфорий Ироқ – 34 хонадан иборат;
3. Зангбозий – 57 хонадан иборат;
4. Забоний (Зувоний) – 21 хонадан иборат;
5. Марвий – 16 хонадан иборат;
6. Марвий II (дигар) – 9 хонадан иборат;
7. Гулҳо гулим – 6 хонадан иборат;
8. Аламинг ёмон – 8 хонадан иборат;
9. Ёр-ёр – 4 хонадан иборат;
10. Қоракўз – 3 хонадан иборат;
11. Пухтаро гийр – 4 хонадан иборат²¹.

Мазкур институт фондида Инв №7406 билан сақланаётган нусха жуда муҳим. У Худойберган Муҳркан нусхаси деб тахмин қилинади. Чунки дастхат ва китобат услуби Худойберган Муҳрканнинг услубига жуда яқин. Асарнинг муҳим томони шундаки, кўчирилган ҳар бир куйнинг усули муфассал кўрсатилган. Шундай қилиб, Хоразм мақомларининг чертим йўлига мансуб 31 та куйнинг дойра усуллари батафсил ўз ифодасини топган. Нусха 1301/1883 йилда кўчирилган.

ЎзР ФА ШИ Инв №7435 Хоразм “Танбур чизғилари” нусхаси котибининг услуби ва дастхатларини текшириш орқали тахминан Исмоил Девон эканлиги маълум бўлди. 35x22 см. лик ушбу кўлөзма ҳам 1301/1883 йили китобат қилинган бўлиб, кейинчалик Бекжон Раҳмон ўғлининг кутубхонасига ўтган. Асар йирик ҳажмда жалий хатда кўчирилган.

ЎзР ФА ШИда асраб келинаётган яна ўта муҳим нусхалар Инв №8849-56 қалин картон қоғозга ўйилган нусхалардир. Бу нусхалар ҳақида “Хоразм мусиқий тарихчаси” муаллифлари шундай хабар берадилар: “Мунинг (Қаландар Дўнмаснинг) мусиқийдағи заковат ва иқтидорина бутун Хоразм

²¹ Матякубов О., Болтаев Р., Аминов Х. Хоразм Танбур чизиғи. –Т., 2007. –Б. 175.

музикийшунослари таслим этган эрдилар. Едди мақом нағмаларини қоғазда ўюб Орған одли созда бекаму кўс чертмоқға муваффақ бўлгондур”²².

Санъатшунослик институтида Муҳаммад Расул Мирзо нусхаси ҳам мавжуд бўлиб, Инв №342 рақамида сақланади. Араб ёзувида битилган. Инв. №343 рақами билан сақланадиган яна бир нусхада Хоразм мақомларининг чертим йўллари мавжуд ва унда 75 та куй ўз ифодасини топган.

Диссертациянинг **“Танбур чизғиларининг”да ёзилган Хоразм мақомларининг парда ва усул тизими**” номли иккинчи бобининг биринчи фаслида «“Танбур чизғилари”да ёзилган Хоразм мақомларини парда тизими», иккинчи фаслида эса “Хоразм мақомларининг усул бирликлари” тадқиқ қилинади.

Хоразм “Танбур чизғилари” нусхаларининг икки жилди Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида Инв № Р/2705ф.1оп.17/18 Д. рақамлари билан сақланади. Уларни “Чокар” тахаллусли Муҳаммад Юсуф Харротнинг ўғли Фозил Харротов адашиб, “Чанг созига ишланган ноталар” деб топширган. Ушбу нусхани Муҳаммад Юсуф Харротнинг отаси моҳир созанда ва хаттот Муҳаммад Ёқуб Харрот ишлаган деб тахмин қилинади²³. Мақомларнинг айтим ва чертим йўллари алоҳида жилдларда берилган.

Матякуб Харрат ёзувининг ўзига хослиги шундаки, биринчи навбатда, “Олти ва бир ярим мақом”нинг чертим ва айтим бўлимлари алоҳида қўлёзма-китоблар сифатида тақдим этилган. Иккинчидан, мақомларнинг қисмлари бошидан охиригача усулларнинг аниқланиши билан қайд қилинади. Учинчидан, бу айниқса муҳим, айтим бўлимлари услуб ва куйлар, шеърый матнлар ва уларнинг батафсил сегментацияси билан тўлиқ берилган.

Қўлёзманинг муҳим томони шундаки, унда мақомларнинг айтим йўлларида барча сўз матнлари берилган. Илмий изланишлардан кўринадики, мазкур нусхадаги барча сўз матнлари Ҳазорасп нусхасидаги Комил Девоний кўчирган сўз матнлари билан айнан бир хил. Демак, кейинчалик Комил Девоний Хоразм “Танбур чизғилари”даги мақомларининг айтим йўлларига мансуб сўз матнларини мана шу нусхадан олган ва ўз нусхасига дутор мақомларни ҳам илова қилган.

М.Юсуповнинг 1958 йилда И.Акбаров таҳрири остида нашр этилган “Ўзбек халқ мусиқаси”нинг VI жилдида Хоразм мақомлари китобидан Рост мақоми ва Таронаси таҳлил қилинган. М.Юсупов бир зарб билан Мақоми Рост асарини нотада акс эттирган. Аслида, усул ҳеч қачон бир зарбдан ташкил топмайди²⁴.

Хоразм “Танбур чизғилари”да, қолаверса, Бухоро Шашмақомида ҳам Рост мақомининг таронаси 2/4 ўлчовида, “Мухаммас” усулида ҳозирги оғзаки анъанавий амалиётида қўлланилади. М.Юсупов ушбу асарни ўлчови 6/4 тарона усулида ноталаштирганлиги ажабланарли.

М.Юсуповнинг 1958 йил нашр қилинган “Хоразм мақомлари” китобининг VI жилдида Пешрави Гардун усули куйидагича берилган.²⁵

²² Мулла Бекжон Раҳмон ўғли, Муҳаммад Юсуф Девонзода. Хоразм музикий тарихчаси. –Т., 1998. –Б.37.

²³ Матякубов О., Болтаев Р., Аминов Ҳ. Хоразм Танбур чизғиси –Т., 2010 –Б.77.

²⁴ Юсупов М. Хоразм мақомлари. VI жилд. И.А. Акбаров таҳрири остида. Т., 1958. –Б.33.

²⁵ Юсупов М. Хоразм мақомлари. VI жилд. И.А. Акбаров таҳрири остида. Т., 1958. –Б.12.



Усул тўрт тактдан иборат умумий ҳисса 8та чоракталикка тенг бўлгани тўғри, лекин тактларга ажратилгани хато. Чунки Гардун усули ўзгарувчан метр ва ўлчовга эга, унда бир кучли ҳисса ва икки нисбатан кучли ҳисса бор.

Гардун усули аслида қуйидагича бўлиши керак. 2/4, 3/4, 3/4.



М.Юсуповнинг 1981 йил нашр қилинган “Хоразм мақомлари” китобининг I жилдидан Мураббаи Комил куйини мисол қилиб олдик. Мураббаи Комил доира усули ва лад тизими таҳлил қилинганда Хоразм танбур чизғиларидаги Мураббаи Комил усули ва лади тубдан фарқ қилишини аниқладик. М. Юсупов Мураббаи Комил куйини икки калит белгиси – фа диез, до диез қўйиб ёзган, аслида бу лад ми дорий ладига тўғри келади. Куйнинг охирида до мажор тоналлигида 10 такт супориш берилган. Ми дорий лади Рост мақомининг лади эмас. Рост мақомининг лади до ионий, до миксолидий. Хоразм танбур чизғиларида Мураббаи Комил до товушидан бошланган ва до товушида тугалланган. Демак, Рост мақоми ладига тўғри келади. Хоразм танбур чизғилари нусхаларидан биронтасида Мураббаи Комил супориш билан кўрсатилмаган.

Хоразм “Танбур чизғилари” ёзувларида мақом куй ва ашулаларининг изми танбур пардаларига мувофиқ содда ҳамда қулай услубда кўрсатиб берилган.

Танбур табулатураси “Танбур чизғилари”да Хоразм олти ярим мақоми ва дутор мақомларининг беш асосий тамойили хатга туширилган:

1. Мақом ва унинг таркибий бўлак қисмлари, усул, таснифоти номлари;
2. Мақом йўлларининг тўла-тўқис куй ҳаракати;
3. Доира усулларининг тарҳи;
4. Мақом куйлари таркибий бўлакларини белгиловчи ишоралар;
5. Мақом йўлларига манзума этилган сўз матнлари.

Парда (лад) тизими – мақом тафаккурининг бош тамойили. Мақом илмида бу устувор тушунча икки асосий маъно касб этади. Ҳар бир мақомнинг ўзига хос диатоник пардалари ханузгача муайян ифода сифатида авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Танбур мумтоз мусикамизнинг парда тизимини белгиловчи чолғу. Унинг товуш жадвали Шашмақом, Хоразм олти ярим мақомлари ва Фарғона-Тошкент мақом йўлларининг инъикоси бўлиб хизмат қилади. И.Ражабовнинг “Мақом асослари” китобида берилган Шашмақом лад тузилиши “Танбур чизғилари”даги мақомларнинг лад тузилишлари билан бир хил, “Хоразм мақомлари” VI жилдида лад тузилиши ва товушқатор Хоразм “Танбур чизғилари” лад тузилиши ва товушқаторидан анча йироқ эканлиги тадқиқотимиз давомида аниқланди.

Мақомларда уч хил созланиш жорий этилади: Рост мақоми учун квинта сози, Наво мақоми учун секунда ва Сегоҳ, Дугоҳ, Бузрук ва Ироқ мақомлари учун кварта созлари.

